

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлаш, инфекция профилактикаси ҳамда даволашда дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминотида узлуксизликни таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ва бошқа ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

а) «Jurabek Laboratories» МЧЖ ҚК (Ўзбекистон) томонидан:

«Anhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co., Ltd» (Хитой Халқ Республикаси) компанияси (кейинги ўринларда — хитойлик ҳамкорлар) билан «ZF-UZ-VAC 2001» (Recombinant Novel Coronavirus Vaccine (CHO Cell) вакцинасини (кейинги ўринларда — «ZF-UZ-VAC 2001» вакцинаси) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришилганлиги ва дастлабки босқичда хитойлик ҳамкорлар томонидан «ZF-UZ-VAC 2001» вакцинаси субстанциясини етказиб бериш белгиланганлиги;

«Вакцина человека» МЧЖ (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — россиялик ҳамкорлар) билан «Гам-КОВИД-Вак» ва Гам-КОВИД-Вак-Лио комбинирланган вектор вакцинасини (кейинги ўринларда — «Спутник V» вакцинаси) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришилганлиги ҳамда россиялик ҳамкорлар томонидан дастлабки босқичда «Спутник V» вакцинаси субстанциясини етказиб бериш масаласи кўриб чиқиладиганлиги;

б) «ZF-UZ-VAC 2001» вакцинаси Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида ҳамда «Спутник V» вакцинаси Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «Jurabek Laboratories» МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқариладиган «ZF-UZ-VAC 2001» ҳамда «Спутник V» вакциналарини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларини, шу жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларига доир техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, «ZF-UZ-VAC 2001» ҳамда «Спутник V» вакциналарининг субстанциялари ва/ёки «in bulk» ишлаб чиқарувчиларининг клиник олди ва клиник тадқиқотлари ижобий хулосаларини тан олган ҳолда ушбу вакциналарни, истисно тариқасида, тақдим этилган ҳужжат ҳамда сертификатлар асосида Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказишга руҳсат бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан «Jurabek Laboratories» МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқариладиган тегишли вакциналарнинг лаборатория синовлари ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг экспертизасини беш иш кунинда амалга оширилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 20 август,  
532-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 августдаги 532-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, хом ашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 17 декабрдаги 1008-сон қарорига илованинг рус тили **матнига**:

а) «Наименования сырья и материалов, используемых для производства лекарственных средств (в том числе внутриаптечного изготовления), изделий медицинского назначения и упаковочных материалов» блокада:

қуйидаги мазмундаги 1383 — 1405-позициялар қўшилсин:

«

1383.	Адреналин гидрохлорид (адреналин; эпинефрин; эпинефрин гидрохлорид)	2937 90 000 0
1384.	Альбумин	3502 90 700 0
1385.	Апиксабан	2933 79 000 0
1386.	Допамин (Допамина гидрохлорид)	2922 29 000 0
1387.	Колхицин	2939 79 000 0
1388.	Меропенем (Меропенем тригидрат)	2941 90 000 9
1389.	Метилпреднизолон натрия сукцинат	2937 29 000 0

1390.	Норэпинефрин (норэпинефрин битартрат)	2937 90 000 0
1391.	Пипекурония бромид	2933 59 950 0
1392.	Раствор альбумина в пересчете на сухой альбумин	3502 90 200 0
1393.	Резиновые пробки для лиофилизированных препаратов	4016 99 970 9
1394.	Ремдесивир	2934 99 900 0
1395.	Ривароксабан	2934 99 900 0
1396.	Стеклянные ампулы (боросиликатного стекла,) 1 мл, 2 мл, 3 мл, 5 мл, 10 мл, 15 мл, 20 мл	7010 90 710 0 7010 10 000 0
1397.	Стеклянные Флаконы (боросиликатного стекла,) 1 мл, 2 мл, 3 мл, 5 мл, 10 мл, 15 мл, 20 мл, 30мл, 50 мл, 100 мл	7010 90 710 0 7010 90 790 0
1398.	Строфантин (Строфантин к)	2938 90 900 0
1399.	Фавипиравир	2933 99 800 0
1400.	Стеклянные Флаконы 1 мл, 2 мл, 3 мл, 5 мл, 10 мл, 15 мл, 20 мл, 30 мл, 50 мл, 100 мл для лиофилизированных препаратов	7010 90 210 0

		7010 90 710 0 7010 90 790 0
1401.	Цефепим сульбактам	2941 90 000 9 3003 20 000 0
1402.	Раствор комбинированной векторной вакцины Гам-КОВИД-Вак, (КОМПОНЕНТ I; КОМПОНЕНТ II), Гам-КОВИД-Вак-Лио	3002 20 000 9
1403.	Субстанция или in-bulk для производства Вакцины COVID-19 (Recombinant Novel Coronavirus Vaccine (CHO Cell))	3002 20 000 9
1404.	Гидроксихлорохин	2933 49 900 0
1405.	Гидроксихлорохина сульфат	2933 49 900 0

»;

ҳаволадаги «используемые» сўзидан кейин «в том числе и» сўзлари қўшилсин;

б) «Наименования технологического и лабораторного оборудования, комплектующих и запасных частей к ним» блокага куйидаги мазмундаги 601 — 611-позициялар қўшилсин:

«

601.	Пробки резиновые для вакцины	4016 99 970 9
602.	Алюминиевые колпачки комбинированный	8309 90 900 0
603.	Культуры микроорганизмов	3002 90 500 0
604.	Бевацизумаб	3002 13

		000 0
605.	Ритуксимаб	3002 13 000 0
606.	Трастузумаб	3002 13 000 0
607.	Клеточная линия (КЛ)	3001 20 900 0
608.	Биологическая тест-система	3822 00 000 0 3002 15 000 0
609.	Термоконтейнер многоразового использования для временного хранения и транспортирования вакцин, сывороток и других лекарственных средств в комплекте с хладоэлементом	3923 10 000 0
610.	Терморегистратор-индикатор пороговой	9025 19 200 0
611.	Термоиндикатор	9025 19 200 0

»;

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 22 июлдаги 449-сон қарорида:

а) 1-2-бандлар куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 1 ноябрга қадар бўлган муддатда COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган, мазкур қарорга иловага мувофиқ рўйхатдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар импорт қилинганда, уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан, 5 кун муддатда сертификатлаштириш (фақат айрим кимёвий таҳлилларни ўтказган ҳолда) асосида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Агентликнинг қўшма хулосаси

асосида мазкур қарорга иловадаги рўйхатга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, ушбу қарор 1-бандининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тартиб асосида дори воситалари ва тиббий буюмлар импорти билан шуғулланувчи ташкилотлар дори воситаларини айрим кимёвий таҳлилларни ўтказган ҳолда сертификатлаштириш учун дори воситасининг қадоғида ёки қўллаш бўйича йўриқномаларида халқаро патентланмаган номи ўзбек ёки рус ёхуд инглиз тилида кўрсатилишини таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг синов баённомасини ва синов усуллари кўрсатилган ҳужжатни тақдим этишлари шарт»;

б) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июлдаги 449-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказмасдан, мажбурий сертификатлаш шарти билан импорт қилинадиган, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар**

### **РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи ва тиббий буюмлар номи</b>	<b>Шакли</b>
1.	Гидроксихлорохин, хлорхин	Таблетка
2.	Парацетамол, ацетаминофен	Таблетка
3.	Строфантин К	Ампула
4.	Эпинефрин	Ампула
5.	Эноксапарин	Шприц, эритма, лиофилизат
6.	Меропенем	Флакон
7.	Апиксабан	Таблетка, капсула
8.	Допамин	Ампула
9.	Желатин (модификацияланган)	Флакон
10.	Имипинем/Циластатин	Флакон
11.	Колхицин	Таблетка, капсула
12.	Норэпинефрин	Флакон, ампула
13.	Метилпреднизолон	Таблетка, флакон
14.	Пипекурония бромид	Таблетка, ампула, флакон
15.	Тоцилизумаб, Левилимаб, Сарилумаб, Канакинумаб	Флакон, ампула, шприц, шприц-ручка
16.	Цефепим/сульбактам	флакон
17.	Грипп вакцинаси (ЎРВИ)	Эритма сақлаган бир марталик шприц, флакон
18.	Коронавирус вакцинаси (COVID-19)	Эритма сақлаган бир марталик шприц, флакон, ампула
19.	Пневмококк вакцинаси	Эритма сақлаган бир марталик шприц, флакон
20.	Панкурония бромид / Пипекурония бромид / Атракурия бесилат	Куқун, эритма
21.	Цефепим + тазобактам	Куқун
22.	Липосомал амфотерицин-В	Леофилизат
23.	Casirivimab / Imdevimab	Флакон
24.	Осельтамивир	Капсула
25.	COVID-19 га антитана ва антигенга экспресс тестлар	Дона

»;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 22 июлдаги 449-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2020 йил 24 сентябрдаги 582-сон қарорига илованинг 2 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарори билан тасдиқланган Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди **учинчи хатбошиси** куйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ходим томонидан 30 кун давомида бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб иш соатларига нисбатан мутаносиб равишда, бироқ тегишли лавозимлардан келиб чиқиб врач-лаборант, ўрта тиббиёт ходими, ҳамшира-лаборант, провизор-фармацевт ходим, дезинфектор ва кичик тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар кўпи билан 4 миллион сўм, 6 миллион сўм, 10 миллион сўм ва 15 миллион сўм миқдорида тўланади.

Бунда врач ходимлар ва бошқарув ходимлари томонидан 30 кун давомида бажарилган иш ҳажми белгиланган иш юклама меъёридан кам ёки кўп бўлган тақдирда, махсус тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш соатларига нисбатан мутаносиб равишда тўланади».

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2021 й., 09/21/532/0810-сон)*